



ЗАҲАРЛАНИШДАН ОГОҲ БЎЛИНГ!

Рихсивой Содиқович Собиров

Ўзбекистон Республикаси ФВВ Фуқаро муҳофазаси институти Фавқулодда вазиятларни бартараф этиши ва кичик ҳажмли кема ҳайдовчиларини тайёрлаш кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Куз - қиш мавсуми бошланиши даврида аҳоли яшаш уйлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг бино ва иншоотларда иситиш мосламаларни ишлатишга бўлган эҳтиёжни бирмунча ортиши ҳамда улар томонидан қўлбола ясалган ёки носоз, ишлатишга мутлоқ яроқсиз бўлсада, иситиш мосламалардан фойдаланишлари натижасида ёнгинлар содир бўлиб, турли хилдаги фавқулодда вазиятлар, ёнгин-портлашлар келиб чиқиши кузатилмоқда.

Калит сўзлар: *электр мосламаларидан электр иситиш ускуналари, электр чойнак, турли электр дастгоҳлар, қўлбола ясалган ёки носоз кўмир табиий газ печлар.*

Анотация: *В начале осенне-зимнего сезона наблюдается незначительное увеличение потребности в использовании отопительных приборов в жилых домах, юридических и физических лиц в зданиях и сооружениях, и как следствие использования ими самодельных или неисправных отопительных приборов, даже если они полностью непригодны для использования, возникают пожары, различного рода аварийные ситуации, наблюдается возникновение пожаро-взрывов.*

Ключевые слова: *электроприборы, электронагревательное оборудование, электрочайник, различные электроинструменты, самодельные или неисправные угольные газовые плиты.*

Anatotsia: *During the beginning of the autumn-winter season, there is a slight increase in the need to use heating devices in residential houses, legal entities and individuals in buildings and structures, and as a result of their use of homemade or defective heating devices, even if they are completely unusable, fires occur, and various types of emergencies occur. situations, the origin of fire-explosions is observed.*

Key words: *electric appliances, electric heating equipment, electric kettle, various electric tools, homemade or faulty coal natural gas stoves.*

Маълумки, куз - қиш ойларига келиб, ёнгингарчилик кунлари бошланади ва кун сайин ҳаво ҳарорати пасайиб боради. Фуқаролар ўз хонадонларини иситиш чораларини кўра бошлайдилар. Аҳоли яшаш уйлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг бино ва иншоотларида иситиш мосламаларни ишлатишга бўлган эҳтиёжни бирмунча ортиши натижасида улар томонидан қўлбола ясалган ёки носоз, ишлатишга мутлоқ яроқсиз бўлсада, иситиш мосламалардан фойдаланишлари натижасида ёнгинлар содир бўлиб, бунинг оқибатида турли хилдаги фавқулодда вазиятлар келиб чиқиши кузатилмоқда. Ёнгинларни аксарият қисми газдан нотўғри фойдаланиш, электр симлари ва кабеллардаги қисқа туташувлар натижасида юзага



келмоқда. Қисқа туташувлар эса, ўз навбатида, электр мосламаларидан (электр иситиш ускуналари, электр чойнак, турли электр дастгоҳлар ва бошқалар) фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузуш, электр симларни хоналарнинг тоифаларини ҳисобга олмаган ҳолда танлаш ҳамда сифатсиз қурилиш материалларидан фойдаланиш оқибатида юзага келмоқда.

Олиб борилаётган профилактик тадбирлар, тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларига қарамасдан аҳоли ўртасида табиий ва ис газларидан захарланиш, ёнғин, газ чакнаши билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши ҳамда фуқароларнинг юқори даражаларда куйиши, уй-жойларнинг ёниш-портлаш натижасида вайрон бўлиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар тез-тез қайд қилинмоқда.

2020-2022 – йиллар ва 2023 – йилнинг 9 ойи давомида ис газидан захарланиш билан боғлиқ 245 та нохуш ҳолат юз бергани оқибатида 200 нафар фуқаро жароҳатланган, 421 нафари ҳалок бўлган ва бу каби фожиалар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, деб таъкидланган жорий йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида.

Унда аҳоли ўртасида ис газидан захарланиш ҳолатларининг олдини олишга оид қонунчиликка риоя қилиниши ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар, Энергетика, Қурилиш ва уй-жой коммунал вазирликлари ҳамда Инвеститциялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги масъул раҳбар ходимларининг ахборотлари эшитилди. Шунингдек, Қўмита томонидан мазкур соҳада ўтказилган ўрганишлар натижалари муҳокама қилинди.

Ис гази (углерод оксиди) – рангсиз, таъмсиз, ҳидсиз захарли газ. Кимёвий формуласи – CO. У ер юзида энергиянинг жадал ишлатилишидан юзага келувчи, табиатда энг кўп тарқалган захарловчи газлардан биридир. Қазиб олинадиган ёқилғиларнинг тўлиқ ёнмаслиги ис газининг бош манбаи ҳисобланади. У асосан кўмир, табиий газ ва бошқа ёқилғиларнинг тўлиқ ёнмаслиги сабаб юзага келади. Нафас олинувчи ҳаво таркибида 0,1 фоиз ис газининг бўлиши ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин. Ис гази организмга тушганда у қон таркибидаги гемоглабин ва кислород ташувчи эритроцитларни ўзаро боғлаб, кислороднинг тана бўйлаб ҳаракатланишини чеклайди. Натижада инсон ҳушини йўқотади.

Ис газидан захарланишнинг умумий белгилари, бош мия тизимида, уйқуга тортиш, бош айланиши, бош оғриғи, ҳушини йўқотиш; кўриш тизимида, кўз олдининг қоронғулашиши; эшитиш тизимида, эшитиш қобилиятининг пасайиши; тери қисмида, терлаш кучайиши; нафас олиш тизимида, нафас олишнинг оғирлашиши, йўтал; юрак қисмида, пулс урушини ортиши; мушаклар тизимида, тремор (қалтираш).

Ис газидан захарланиш хавфи юқори бўлади, яъни:

- шамоллатиш тизими яхши ишламайдиган органик моддаларни ишлаб чиқарадиган корхоналарда;
- автоуловлар тураргоҳларида;
- янги бўялган ва шамоллатилмаган хоналарда;



- уй шароитларида табиий газ чиқиб турганда;

- печ билан истиладиган уйлар, ҳаммомлар, дам олиш палаткаларида ёнувчи модданинг тўлиқ ёнмаслиги натижасида заҳарланиб қолиш мумкин.

Ис гази билан қуйидаги ҳолларда заҳарланиш мумкин:

- ёнғин содир бўлган тақдирда;

- ушбу газ бир қатор органик моддаларни (асетон, метил спирт, фенол ва ҳоказо) синтез қилиш учун ишлатиладиган ишлаб чиқаришларда;

- ҳаво алмашинуви етарли бўлмаган шароитида ёритиш гази сизиб чиқиши оқибатида ёки газ ёқиладиган хоналарда, масалан, газ плиталари, сув иситиш мосламалари, очик ёнув камерали иссиқлик генераторлари, иситиш мосламалари. Бу ҳолат кўпинча дудбуронларнинг текилиб ёхуд ишламай қолиши, газ ёниши учун ҳаво етарли бўлмаганда кузатилади;

- вентиляцияси ёмон бўлган гаражлар, бошқа яхши ҳаво айланмайдиган хоналар, тунелларда, чунки автомобил чиқинди газларида нормативлар бўйича 1-3%, карбюраторли мотор регулировкаси ёмон бўлганда эса 10% гача СО бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳозирги савдо дўконларида сотилаётган, газда ишлайдиган ҳар хил турдаги газ ускуналари, жумладан, чет давлатида ишлаб чиқилган “камин” ва кўпроқ кўп хонадонли кўп қаватли уйларида ўрнатиладиган чет давлатларида ишлаб чиқарилган янги ёки иккиламчи бозорда ҳарид қилинган конденсатли сув иситиш қозони ва бошқа шунга ўхшаш газ ускуналари чиройли, ихчам кўринишли қулайликларга эгадир. Лекин, ушбу газ ускунаси бошқа давлатда ишлаб чиқилгани сабабли, уни ўрнатиш ва фойдаланишга доир техник паспорт ўзбек ёки рус тилларига таржима қилинмаган. Бунинг оқибатида ундан фойдаланишдаги хавфсизлик қоидалари билан танишиш имкони бўлмайди. Ўзбошимчалик билан, мутахассиснинг кўрсатмасисиз Қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларини бузган ҳолатда ўрнатилмоқда. Натижада эса инсонлар ис газидан заҳарланиб вафот этмоқда.

Табиий газдан фойдаланишда қуйидагилар тақиқланади, яъни:

- ўзбошимчалик билан уйни газлаштириш, газ асбоби ўрнини алмаштириш, уни янгилаш ва тузатиш;

- газ асбоблари ўрнатилган хоналар режасини ўзгартириш;

- дудбурон ва шамоллатиш тизимларини ўзгартириш;

- хавфсизлик ва созлаш автоматикасини узиб қўйиш;

- мактабгача ёшдаги болалар, шунингдек, ўз ҳаракатларини назорат қила олмайдиган шахсларнинг газ асбобларидан фойдаланиши;

- газ ва газ асбобларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш;

- газ асбоблари ўрнатилган хонада ухлаш ва дам олиш.

Газдан заҳарланганда биринчи ёрдам кўрсатиш, яъни барча ҳолатдаги оғир заҳарланишларда зудлик билан тез тиббий ёрдам чақириш зарур. Шифокор етиб келгунга қадар қуйидагиларни амалга ошириш керак:

- жабрланувчини зудлик билан газланган ҳудуддан тоза ҳавога олиб чиқиш керак;



- жабрланувчининг қўл ва оёқларини кўтарилган ҳолатда ётқизиш;
- нафас олишига халақит берувчи барча нарсаларни йиғиштириш (тугмаларни ечиб, ёқани очиш, камарни бўшатиш ва бошқалар);
- Жабрланувчининг ухлаб қолмаслигини назорат қилиш.

Жабрланувчини юргизиш тақиқланади;

- жабрланувчи нафас олмаётган бўлса, унга тоза ҳавода ёки ҳавоси яхши айланадиган хонада сунъий нафас олдиришни бошлаш лозим;
- нашатир спиртини ҳидлатиш;
- хушига келган вақтида йиқилиб, жароҳатланмаслиги учун чоралар кўриш;
- жабрланувчининг ҳолати яхши бўлса, иссиқ чой ёки қаҳва ичириш;
- кислород ёстиғи ёрдамида кислород бериш.

Ис гази организмга нафас аъзолари орқали таъсир этади. Заҳарланишнинг энг оғир ҳолларида инсон ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

Ис газидан заҳарланганда қуйидаги усуллар билан даволаш тавсия этилади: заҳарланган кишини зудлик билан тоза ҳавога олиб чиқиш зарур; нафас олиши тўхтаб қолганда сунъий нафас бериш лозим; бу тадбир бемор мустақил нафас олгунга қадар ёки биологик ўлим аломатлари пайдо бўлгунча давом эттирилади; баданни ишқалаш, оёқларга грелка қўйиш, қисқа вақт нашатир спирт буғларини ҳидлаттириш (нашатир спирти бемор бурнидан камида 1 см узоқликда шимдирилган пахта ёки марлидан ҳидлаттириш шарт. Акс ҳолда спиртнинг ўткир ҳиди беморни паралич ҳолатига олиб келиши мумкин) заҳарланиш оқибатларини тугатишга имкон беради.

Заҳарланиб қолган кишилар госпитализация қилиниши керак. Чунки заҳарланиш оқибатида ўпка ва асаб системаси томонидан оғир асоратлар вужудга келиши мумкин. Агар бемор хушида бўлса, тананинг юқори қисмини қисиб турувчи кийимлардан бўшатилади, иссиқ чой қаҳва ичирилади.

Ис газидан заҳарланишнинг барча даражасида беморлар шошилиш ҳолда реанимация ёки токсикология бўлимига ётқизилади. Касалхонадан чиққан беморлар умумий амалиёт шифокори ва невропатолог кузатувида бўлиши керак.

Мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқаро ёнғинларни олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашда, ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилишлари талаб қилинади, яъни: газ плитаси ўрнатилган хона тез-тез шамоллатиб туриш керак. Резина шланг орқали улаб газли иситиш печидан, ташқи қисми ярақсиз, синовдан ўтмаган майший газ баллонларидан, носоз электр симлари, розетка, қўлбола электр иситгичлардан фойдаланиш қатъий ман этилади. Ёқилган газли иситиш печлари вақти - вақти билан назорат этиб турилиши, уларни болаларга ишониб топшириб қўймаслик, газ ҳиди сезилганда дарҳол хона деразасини очиб қўйиб, шамоллатиш ва газ таъминоти идорасига “104” қўнғироқ қилиб, бу ҳақида уларни хабардор қилиш керак.



ФАЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрь кунидаги “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 754-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 август кунидаги “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёргарлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 650-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрь кунидаги “Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 649 – сонли Қарори.
5. Азимов Х.Г. “Фуқароларнинг ис газидан захарларнишларининг олдини олиш бўйича эслатма” Тошкент-2022й.